

FUNCTIONAL UNDERSTANDING OF BOOKS AND TEXTS

Umida Jalolidinovna Nurmatova

SamDU doctoral students

E-mail: umidaxonnur2008@mail.ru

Abstract: The article analyzes the essence and content of the book, the reading process and the features of understanding the text in terms of space and time. The process of comprehension, comprehension, interpretation of the text, which is one of the important factors in understanding the essence of reading a book, was considered on the basis of socio-philosophical ideas.

Keywords: book, text, text comprehension, comprehension, text comprehension, reading, reading technology.

КИТОБ ВА МАТННИ ФУНКЦИОНАЛ АНГЛАШ

Нурматова Умида Жалолидиновна

СамДУ докторанти

E-mail: umidaxonnur2008@mail.ru

Аннотация: Мақолада, китобнинг моҳияти ва мазмуни, мутолаа жараёни ҳамда матнни тушуниш хусусиятлари макон ва замон нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Китоб ўқиш унинг моҳиятини англашнинг муҳим омилларидан бири бўлган матнни идрок этиш, тушуниш, талқин қилиш жараёнлари ижтимоий – фалсафий фикрлар асосида кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: китоб, матн, матнни идрок этиш, тушуниш, матнни тушуниш, ўқиш, мутолаа технологияси.

ФУНКЦИОНАЛЬНОЕ ПОНИМАНИЕ КНИГИ И ТЕКСТА

Нурматова Умида Джалаидиновна

Докторант СамГУ

E-mail: umidaxonnur2008@mail.ru

Аннотация: В статье анализируются сущность и содержание книги, процесс чтения и особенности понимания текста с точки зрения пространства и времени. Процессы восприятия, понимания, интерпретации текста, являющегося одним из важных факторов понимания его сущности, чтения книги, рассматривались на основе социально – философских взглядов.

Ключевые слова: книга, текст, понимание текста, понимание, понимание текста, чтение, технология чтения.

Ижтимоий ҳақиқат обьекти сифатида китобнинг моҳияти ва мазмуни муаммолари тобора долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг китоб, китобхонлик маданиятини яхшилаш тўғрисида куюниб гапираётганликларининг чукур фалсафаси бор. Чунки, “китоб баҳт ва қудратли истиқбол йўлида одамзод яратган, эҳтимол энг мураккаб ва мўжизалар ичидаги энг буюк мўжизадир. Одамзод яратган мўжизаларнинг мўжизаси китоб – дунё ҳаётига доир жами билимларни, жаҳон ақлий камолотининг бутун тарихини, ер курраси халқларининг тарихий меҳнати ва тажрибасини ўзида мужассам этади. Китоб инсоният маънавий кучларини янада ўстиришнинг энг қудратли куролидир”.[1] Шу билан бирга, китоб ўқиш унинг моҳиятини англашнинг муҳим омилларидан бири

бу матндири. Қолаверса, матннинг аниқ концепциясини таҳлил қилиш, аниқ равшанликка қарамай, муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Албатта, сўнгги йилларда турли фан соҳа мутахассислари томонидан матнни ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди, шунга қарамай, уни илмий ходиса сифатида фалсафий таҳлил қилиш жуда долзарб вазифа ҳисобланади.

Китобни мутолаа қилиш жараёнининг ўзидаёқ инсоннинг онги ва дунёқараси шаклланиб боради. Уни такрор ва такрор ўқиш давомида эса янгидан янги уфқлар кашф этилади, ҳар гал уни кайта мутолаа килган инсон ундан ўзгача таассуротлар олади. Маълумотларга қараганда, Фаробий Арастунинг “Жон ҳақида”, деб номланган асарига ўз қўли билан “Мен бу китобни 200 марта ўқидим”, деб ёзиб қўйган экан. Китоб онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Китоб одамдан мутолаада нафақат кўз ва ақл, шунингдек, кўнгил ҳам бирдек иштирок этишини талаб қиласи. Китоб ўқишидан мақсад акл-тафаккур билан уни мантиқий муҳокама этишгина эмас, балки чин юракдан завқланиш, таъсиrlаниш, ўзликни, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир. Файласуф Ян Миндан дўсти сўрабди: “Китоб ўқигандан сўнг ҳеч нарса ёдда қолмаса нима қилмоқ керак?”. У “Уни тушунмоқ керак, ёдлаш шарт эмас. Тушунмоқ зарурияти ҳам иккинчи даражали нарса. Энг аввало, китобнинг асосий моҳиятини англамоқ жоиз”, деб жавоб бериди.[2]

Қолаверса, А.Умаров таъкидлаганидек, китоб мутолаа қилиш жараёнида, матнни тушуниш (қабул қилиш)нинг тавсифи ўқиш самарадорлигини ташкил этади. Мазкур самарадорлик матн омиллари, ўқиш шарт – шариоитлари каби ташки (объектив) омилларга боғлиқ бўлади ҳамда матн мазмуни ва ўқиш жараёни, ўқиш тажрибаси муносабатлари каби ички (субъектив, шахсий) омилларга ўз таъсирини кўрсатади.[3]

Профессор Н.А.Шермухамедова таъкидлаганидек, “Матнни тушуниш тайёр натижага эмас, балки диалектик жараён, турли маданий дунёлар диалоги, “ўзининг – ўзганинг” (Бахтин) маънолари тўқнашуви натижаси, матн, шахс ва маданиятлар диалоги”.[4] Аввало шуни айтиш жоизки, матн сўзи ҳам ўзига яраша кўп маъноли. Филологик таълимда унинг маъноси уч хил изоҳланади. Биринчи изоҳ анча умумий: матн нутқ жараёнининг онгли суръатда ташкил этилган натижаси, муайян мазмунни ифода этиш учун муайян шаклга киритилган фикр. Иккинчи таърифда матн лингвистика обьекти, кўп ҳолларда жумла доирасида чекланади, дейилган. Учинчиси эса, қисқа ҳамда лўнда: матн-нутқий асар.

Шу маънода, таъкидлаш жоизки, ўқишининг интим табиати, уни тушуниш нафақат матнни, балки унинг муаллифи ва ўқувчисини, яъни жараёнининг барча иштирокчиларини ҳар томонлама ўрганишни талаб қиласи. Албатта, ўқиш жараёни аниқ принципга асосланади: ўқиш - бу белгиларни тан олиш, матнни идрок этиш. Бироқ, бу асос фақат механик ўқиш учун етарли. Чукур, ижодий ўқиш ўқувчи шахсиятининг бутун психофизиологик аппаратини ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳам механик, ҳам ижодий ўқиш тушунчаси (ва уларнинг фарқи) энг қадимги даврлардан мавжуд бўлган. Айтиш мумкинки, китобхоннинг индивидуал ҳолатига қараб ҳар бир матнни ўзига хос тарзда ўқийди. Албатта, ўқиш сифатига муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги ички муносабатлар (яқинлик ёки аксинча, қарама-қаршилик) ҳам таъсири қиласи.

Китоб ва матнни функционал англашда мутолаа технологияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мутолаа технологияси китобхон томонидан матнни ўзлаштириш усусларини англатиб, бу жараён сифат ва миқдор йўналишларига эга. Китобхон томонидан матннинг қанчалик сифатли ўзлаштирилганлиги унинг матн мазмунини қанчалик даражада англашганлиги ҳамда англанган тушунчаларни ҳаётга татбиқ қила олишига боғлиқ. Мутолаа технологиясининг миқдорий жиҳати эса, китобхоннинг тез ёки секин ўқишида намоён бўлади. Тез ўқишининг мутолаа ходисасидаги аҳамияти юқоридир. Маълумотларга кўра, китоб секин ўқилганда 100 фоиз матн тушунилмайди, фақат 60 фоиз англанади, аксинча, тез ўқилганда матннинг 80 фоизи тушунилади. Хусусан, биз сўровномада иштирок этганларга мурожаат қилганимизда 27.2 фоизи тез ўқишини, 48.5 фоизи секин ўқишини билдиришган. Ваҳолангки, тез ўқиш технологияси самарали ҳисобланади.

Шу билан бирга, мутолаа жараёнида шахснинг оператив хотираси ҳамда диққатининг муҳимлиги шаклланади. Техник кўникмалар ўқувчига китоб билан чукуроқ ишлашига ва уни яхши эслаб қолишига ёрдам беради. Шунинг учун бундай кўникмалар қанча кўп қўлга киритилса, одам

шунчалик тез ўқийди ва ўқиганларини у шунчалик яхши қабул қиласи да жана ташкириди. Демак, ўқишни идрок этиш тезлиги ва даражаси ҳар куни оширилиб борилиши керак.

Умуман айтганда, китобларни ўқиши, идрок этишнинг барча бошқа жараёнларидан деярли кўпроқ, фикр ва хаёлотни ривожлантиради, бу эса шахснинг ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Мулоҳазаларимиздан хулоса қиласиган бўлсак: **биринчидан**, матн бир хил характерга эга ва китоб бир хил табиатга эга. Ахир, матн маданиятдан жамиятга моддий (матндан ташқари) элементларсиз ўтиши мумкин эмас. Китоб, ўз ғоясига кўра, нарсага айланиш ва шу янги табиат билан жамиятга кириш учун маданий табиат элементларидан (биринчи навбатда матннинг ўзи) иборат. Бинобарин, китобдаги матн ҳам жамиятга, ҳам маданиятга тегишли - бу орқали у тушуниш ва фойдаланишга тайёрланади; **иккинчидан**, хатоларсиз тўғри тезкор ўқиши – ўқилганларни онгли идрок этишни ифодаловчи ва таъминловчи ўқиши тезлиги, тушуниб ўқиши (онглилик, англанганлик) эса китобхон томонидан ўқилган матннинг ҳақиқий мазмунини тушуниш, асарнинг ғоясини, образларини ва бадиий восита сифатидаги ролини тўғри англаш, шунингдек, ўқувчидаги муаллиф томонидан тасвирланган ҳолатларга тўғри муносабатни шакллантиради; **учинчидан**, китоб ўқиши билан одам ақлий иш билан шуғулланади: матннага мавҳум белгиларни аниқлайди, уларни ўзи учун тушунарли нутқка айлантиради, уни ўзига ўзи айтади. Китоб тили инсоннинг ички тилига таржима қилинади ва унинг фикрлаш қисмига айланади; **тўртингчидан**, китобни фаол тарзда ўқиши лозим. Бу максимал тарзда тезлик билан ўқиши керак дегани эмас. Мутолаа жараённида бутун матнни самарали ўзлаштириб олиш мумкин бўлган тарзда ўқиши керак. Фаол ўқиши жараёни матнни субстанционал мөҳиятини эслаб қолишга ва тушунишга қаратилиши зарур. Мухими қанчалик кўп китоб ўқиши эмас, балки қанчалик англаб тушуниш, олинган билимларни амалда қўллаш муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки (ахлоқ китоби) Иккинчи китоб. Инсон баҳтли бўлиш учун яралган. –Т.: “Sano-standart” нашриёти. 2018.203-бет.
2. Китоб – онг ва қалб эҳтиёжи. Маърифат газетаси. 2021 –йил 27-январ, №4(9329) 4-бет.
3. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. Т.: “Фан” нашриёти, 2004. 98 - бет.
4. Шермуҳамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005. 317 - бет.